


**“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИГА ЎРНАТИЛГАН ГАЗ БАЛЛОНИ
УСКУНАСИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ**

2021 йил «__» сентябрь

Коди: FK-461_K8_K9_K13Uz

Тошкент шаҳри

 O'ZBEKINVEST MILLIY SUGURTA KOMPANIYASI	Транспорт воситасига ўрнатилган газ баллони ускунасини суғурта қилиш шартномаси	FK- 461 K8 K9 K13Uz
		Бетлар: 3 / 14 Сана: 15.07.2021й.
GK 34		

ТАСДИҚЛАЙМАН
“Ўзбекивест” ЭИСК” АЖ
Бош директори в.б.
Р.С.Азимов

2021 йил «__» сентябрь

“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Тошкент ш., Чўпон ота к., 6

Транспорт воситасига ўрнатилган газ баллони ускунасини суғурталаш
_____ -сонли ШАРТНОМАСИ

_____ ш. 20__ й. «__» _____

Кейинги ўринларда «Суғурталовчи» деб аталувчи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги SF №00006 Лицензиясига асосан фаолият юритувчи «Ўзбекивест» экспорт-импорт суғурта компанияси номидан «Ўзбекивест» ЭИСКнинг Филиал тўғрисидаги низом ҳамда _____ й. «__» _____ даги _____ сонли Бош ишончнома асосида иш юритувчи Суғурталовчининг _____ вилояти (шаҳри)даги филиали Директори _____ бир томондан ва кейинги ўринларда

(Ф.И.О.)

«Суғурта қилдирувчи» деб аталувчи _____ номидан

(Суғурта қилдирувчининг номи)

_____ асосида иш юритувчи _____

(Суғурта қилдирувчи асосланган ҳужжатнинг номи)

(Раҳбарнинг лавозими, исми шарифи)

иккинчи томон бўлиб ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-БЎЛИМ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ ВА СУҒУРТА ОБЪЕКТИ

1.1. Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини ушбу Шартномада кўрсатилган миқдор ва муддатларда тўлаши эвазига Суғурталовчи ушбу Шартномада назарда тутилган шартларга ва/ёки ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган қўшимча равишда келишилган шартлар, индоссаментлар, истиснолар ҳамда иловаларга мувофиқ, суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурта қилдирувчига/Наф олувчи/учинчи шахсларга етказилган зарарни қуйида келтирилган ҳажмда ва муддатда қоплаш мажбуриятини олади.


1.2. Мазкур Шартномага мувофиқ Суғурта қилдирувчининг/Наф олувчининг ва уларнинг ходимларининг, ҳайдовчи, жабрланувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган, қуйидагилар билан боғлиқ мулкӣ манфаатлари:

- газ баллони ускунасига эгалик қилувчи, фойдаланувчи ва (ёки) ихтиёрида бўлган;
- газ баллони ускунасини эксплуатация қилиш натижасида учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарни қонунчиликка асосан қоплаб бериш мажбурияти суғурта объектидир.

2-БЎЛИМ. ТАЪРИФЛАР

Мазкур Шартномада фойдаланилган асосий атамалар:

2.1. Суғурта қилдирувчи - Суғурталовчи билан суғурта масалаларида юридик ва молиявий муносабатларга қирувчи ва суғурта мукофотини тўлайдиган, Суғурталанган автотранспорт воситасига ўрнатилган газ баллони ускунаси эгаси/Наф олувчи ёки

 O'ZBEKINVEST MILLIY SUGURTA KOMPAANIYASI	Транспорт воситасига ўрнатилган газ баллони ускунасини суғурта қилиш шартномаси	FK-461 K8 K9 K13Uz
		Бетлар: 4 / 14 Сана: 15.07.2021й.
GK 34		

жабрланувчи(учинчи шахслар)нинг фойдасига суғурталашни амалга оширувчи юридик шахс.

2.2. Суғурта полиси - ҳақиқатда суғурта Шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи, Суғурта қилдирувчига суғурта мукофоти тўлангандан кейин бериладиган ҳужжат. Суғурта полиси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади.

2.3. Суғурта мукофоти - мазкур Шартномада кўрсатилган тартиб ва муддатларда Суғурта қилдирувчининг Суғурталовчига суғурта учун тўлаши шарт бўлган пул маблағлари.

2.4. Суғурта товони - мазкур Шартнома шартларига асосан, суғурта ҳодисаси рўй берганда Суғурта қилдирувчига/Наф олувчига ёки жабрланувчига Суғурталовчи томонидан тўланадиган пул маблағлари.

2.5. Транспорт воситасига ўрнатилган газ баллони ускунасини суғурталаш шартномаси (Шартнома) – Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ўртасидаги келишув. Шартнома Суғурта қилдирувчи (Суғурталанган транспорт воситасига ўрнатилган газ баллони ускунаси/Наф олувчи ёки жабрланувчининг (учинчи шахслар) ва (ёки) Наф олувчиларнинг фойдасига, ушбу Шартнома ва Суғурта полисини бериш йўли билан тузилади.

2.6. Наф олувчи - Суғурта қилдирувчи томонидан белгиланган, мазкур Шартнома шартлари асосида суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс.

2.7. Транспорт воситаси (кейинги ўринларда “ТВ” деб юритилади) – ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган Ариза-сўровномада кўрсатилган, суғурталанган газ баллони ускунаси ўрнатилган, йўлларда одамларни, юкларни, багажларни ёки унга ўрнатилган ускуналарни ташиш учун мўлжалланган транспорт воситаси.

2.8. Газ баллони ускунаси (кейинги ўринларда “ГБУ” деб юритилади) – суғурталанган газ баллони ускунаси, ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган Ариза-сўровномада кўрсатиб ўтилган, ТВга қўшимча ўрнатилган ёки ишлаб чиқарувчи корхонанинг ТВ комплектациясига кирувчи ускуна.

2.9. Шартсиз франшиза - ушбу Шартнома шартларида кўзда тутилган Суғурта қилдирувчи зарарининг бир қисми бўлиб, Суғурталовчи зарарларни қоплашга доир талабларни кўриб чиқмайди.

2.10. Суғурта даври – Суғуртанинг амал қилиш даври, Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврида содир бўлган Суғурта ҳодисалари бўйича Суғурталовчи жавобгарликни олиб боради.

2.11. Суғурта ҳодисаси – ушбу Шартноманинг 3.2. бандида кўзда тутилган, суғурта даврида суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида Суғурталовчининг Суғурта қилдирувчига/Наф олувчига ёки жабрланувчига суғурта товонини тўлаш мажбуриятининг юзага келиши.


2.12. ГБУнинг нобуд бўлиши (йўқотилиши)- газ баллони ускунасини тиклаш учун кетадиган сарф-ҳаражатлар ГБУ қийматига тенг бўлганда ёки қийматидан ошиб кетганда.

2.13. Ҳайдовчи - тегишли тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлган, ТВни бошқаришга ҳуқуқи бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан расмийлаштирилган Суғурта қилдирувчи (ТВ эгаси)нинг ёзма рухсати бўлган ёки бошқа суғурталанган ТВни бошқариш учун қонуний асосга эга бўлган жисмоний шахс (ҳайдовчи ТВсининг эгаси бўлганидан ташқари). Ҳайдовчи шунингдек ГБУ ўрнатилган ТВга эгалик ҳуқуқини берувчи тегишли гувоҳномага эга бўлиши шарт.

2.14. Йўл-транспорт ҳодисаси (кейинги ўринларда “ЙТХ” деб юритилади) - ТВ билан йўл ҳаракати иштирокчиси сифатида содир бўлган воқеалар (тўқнашув, ағдарилиш, қулаш, урилиш ва бошқалар) ва унинг иштирокида ТВсининг ҳаракатда бўлганлиги ёки бўлмаганлигидан қатъий назар, учинчи шахслар ҳаётига ва (ёки) соғлиғига, ёхуд ТВлари иншоотларга, юкларга шикаст етказиши ёки бошқа мулккий зарар етиши.

2.15. Табиий офатлар – хавфли ва табиий гидрометеорологик ҳодисалар: сув тошқини, бўрон, довул, жала, дўл, оғир қор ёғиши, кўчки, сель, тупроқнинг чўкиши, ер силжиши, ер ости суви таъсири, яшин уриши, зилзила ва бошқалар.

2.16. Ёнғин – ёнғин манбаидан ташқарида юзага келадиган ва беихтиёр тарқалиш

 O'ZBEKINVEST <small>MILLIY SUGURTA KOMPAANIYASI</small>	Транспорт воситасига ўрнатилган газ баллони ускунасини суғурта қилиш шартномаси	FK- 461 K8 K9 K13Uz
		Бетлар: 5 / 14 Сана: 15.07.2021й.
GK 34		

хусусиятига эга очик олов.

2.17. Портлаш – газ ёки буғларнинг кенгайишга интилишига асосланган катта миқдордаги энергиянинг шиддат билан отилиб чиқиши.

2.18. Жихозлар (предметлар)нинг тегиши – суғурталанган ТВга ўрнатилган ГБУга барча турдаги жихозлар (предметлар)нинг кулаши ёки тегиши таъсирида зарар етказилиши;

2.19. Учинчи шахсларнинг қонунга зид ҳатти-ҳаракатлари – суғурталанган ГБУга зарар етказиш учун учинчи шахсларнинг қастдан қилинган ҳатти-ҳаракатлари;

2.20. Учинчи шахслар (зарар кўрганлар) - Суғурталанган ГБУ эксплуатация қилиш даврида ҳар қандай учинчи шахслар ҳаётига ва (ёки) соғлиғига (Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи унинг қариндошлари ва ходимлари, ҳайдовчидан ташқари) жароҳат ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилиши.

2.21. Жароҳат – ташқи омиллар таъсирида организмга жисмоний зарар етиши (учинчи шахслар организмнинг бузилиши). Жароҳатлар 3 хил енгил, ўрта ва оғир даражасига бўлинади (*жароҳат даражаси тиббиёт мутахассиси томонидан аниқланади ва касаллик тарихи кўчирмасида кўрсатилади*):

- **енгил жароҳат**, олти кундан кўп бўлган, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган қисқа даврга соғлиғини ёмонлашуви ёки меҳнат қобилиятининг қисқа даврга йўқотилиши;

- **ўрта жароҳат**, ҳаёт учун хавфли бўлмаган, йигирма бир кундан кўп, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврга меҳнат қобилиятининг йўқотилиши ёки барқарор меҳнат қобилиятининг қисман йўқотилиши;

- **оғир жароҳат**, бемор ҳаётига ҳавф солувчи, сўзлашиш, эшитиш ва кўриш қобилиятининг йўқотилиши, органларининг йўқотилиши ёки қайсидир орган функциясининг бузилиши, юз қисмининг хунуклигини ўзгартираолмаслик, соғлиқнинг бузилиши ва касбий маҳоратини тўлиқ йўқотилиши, жароҳат натижасида хомиладорликнинг узилиши, рухий бузилишнинг келиб чиқиши ва меҳнат қобилиятининг йўқотилиши.

2.22. Зарар - Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи ёки жабрланувчиларнинг мол-мулкига ёки ҳаёти, соғлиғига етказилган зарарни қоплаш учун амалга ошириладиган ёки амалга ошириши керак бўлган харажатлар.


2.23. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси шартномаси - (кейинги ўринларда “ТВЭФЖМС шартномаси” деб юритилади) - “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли Қарори билан тасдиқланган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидалари томонидан белгиланган шартлар асосида тузилган суғурта шартномаси.

2.24. Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома - Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси ҳақиқатда содир бўлганлигини тасдиқлаш ва суғурта товони миқдорини аниқлаш учун тузиладиган ҳужжат (далолатнома), ушбу ҳужжат Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи ёки унинг томонидан белгиланган вакиллар, шунингдек суғурта тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар томонидан имзоланиши мумкин.

2.25. Форс-мажор - Суғурта полиси ва мазкур Шартнома шартлари тўлиқ ёки қисман бажарилмай қолишига олиб келиши мумкин бўлган фавқулотда, ақлий тадбирлар билан олдини олиб бўлмайдиган, Суғурта полиси томонларининг хоҳиш иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолат.

3-БЎЛИМ. СУГУРТА ҲОДИСАСИ

3.1. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи ёки жабрланувчининг, суғурта товони олишга қонуний ҳуқуқга эга шахсларнинг мазкур Шартноманинг 3.2 бандида кўзда тутилган суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи ёки жабрланувчининг банкдаги ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиб бериш орқали суғурта полисида кўрсатиб ўтилган жавобгарлик лимитлари миқдорида мулкрий манфаатларини суғурта

 O'ZBEKINVEST MILLIY SUGURTA KOMPANIYASI	Транспорт воситасига ўрнатилган газ баллони ускунасини суғурта қилиш шартномаси	FK- 461 K8 K9 K13Uz
		Бетлар: 6 / 14 Сана: 15.07.2021й.
GK 34		

ҳимоясига олади.

3.2. Қуйидагилар суғурта ҳодисалари ҳисобланади:

3.2.1. Суғурта даврида суғурта полисида кўрсатилган ҳудудда содир бўлган ЙТХ, учинчи шахсларнинг қонунга зид ҳатти-ҳаракатлари, ГБУнинг ёниб кетиши ва (ёки) портлаши ҳамда табиий офат ёки жихозлар (предметлар)нинг тегиши натижасида ГБУни нобуд бўлиши (йўқотилиши);

3.2.2. Суғурта қилдирувчи/ҳайдовчининг суғурталаш даврида, суғурта полисида кўрсатилган ҳудудда ГБУнинг эксплуатация қилиш даврида учинчи шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганда фуқаролик жавобгарлигини юзага келиши.

3.2.3. Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи мазкур Шартноманинг 3.2.1 ва 3.2.2 бандларида кўрсатиб ўтилган қалтисликларни ёки уларнинг бирини танлаш ҳуқуқига эга.

4-БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

4.1. Мазкур Шартнома бўйича қуйидагилар натижасида содир бўлган ҳодисалар суғурта ҳодисалари деб ҳисобланмайди:

- а) ядро портлашининг таъсирида радиация чиқиши ёки радиоактив зарарланиши;
- б) ҳарбий ҳаракатлар, маневрлар ёки ҳарбий тадбирлар, фуқаролик урушлари, ҳар турдаги ҳалқ ғалаёнлари ва иш ташлашлари;
- в) суғурталанган ГБУни давлат органларининг топшириғига биноан олиб қўйилиши, мусодара, реквизиция қилиниши, йўқ қилиниши;
- г) суғурталанган ТВни ҳайдовчиликка ўргатиш учун, спорт мусобақаларида иштирок этиш ёки синов мақсадларда фойдаланиши;
- д) портлаш ҳавфи бўлган, ўз-ўзидан ёниш хусусиятига эга моддалар ва предметларни ташиш ва/ёки ортиш қодаларининг бузилиши;
- е) Шартноманинг амал қилиш даврида ГБУ ўрнатилган ТВдан фойдаланишда Суғурта қилдирувчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги йўл транспорт қодаларини бузган тақдирда.

5-БЎЛИМ. СУҒУРТА МУКОФОТИ, ЖАМИ ЖАВОБГАРЛИК ЛИМИТИ, ҲАР СУҒУРТА ТОВОНИ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК ЛИМИТИ.

5.1. Ушбу Шартнома бўйича жами жавобгарлик лимити _____ сўмни ташкил этади. (рақамлар ва ёзувда)

5.2. Ҳар бир суғурта товони бўйича жавобгарлик лимити томонларнинг ўзаро келишуви асосида, ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган Ариза-сўровномада кўрсатиб ўтилган ГБУ суғурта қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

5.3. Ушбу Шартнома бўйича суғурта мукофоти _____ (КҚСсиз) сўмни ташкил этади. (рақамлар ва ёзувда)


5.4. Суғурта мукофоти ушбу Шартнома имзоланган кундан кейин 5 (беш) банк куни ичида бир вақтнинг узида тўланади.

6-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Ушбу шартнома уни томонлар имзолаган пайтдан эътиборан кучга киради ва 20 __йил «__» _____ гача амалда бўлади. Ушбу Шартнома бўйича Суғурталовчи мажбуриятлари суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми тўлангандан кейин кучга киради ва Суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати мобайнида амалда бўлади.

6.2. Суғурта шартномаси суғурталанаётган ГБУ ни мажбурий равишда кўриб чиқиш ва ўрганиб чиқиш ҳамда тегишли органларнинг ўрнатилган тартибдаги техник ҳужжатлари асосида тузилади.

6.3. Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчи ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тўланади. Суғурталовчи ҳисоб рақамига пул маблағлари келиб тушган кун

 O'ZBEKINVEST <small>MILLIY SUGURTA KOMPAANIYASI</small>	Транспорт воситасига ўрнатилган газ баллони ускунасини суғурта қилиш шартномаси	FK- 461 K8 K9 K13Uz
		Бетлар: 7 / 14 Сана: 15.07.2021й.
GK 34		

суғурта мукофоти тўланган кун ҳисобланади.

6.4. Суғурта полиси Суғурта қилдирувчига Суғурталовчи ҳисоб рақамига суғурта мукофоти келиб тушган кундан сўнг 3 (уч) банк куни ичида берилади. Агар Суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати ушбу Шартноманинг 6.1 бандида келтирилган Шартнома муддатидан ошиб кетса, Шартнома муддати Суғурта полисида кўрсатилган муддатга мос равишда узайтирилган ҳисобланади.

Суғурта полиси йўқолган тақдирда Суғурта қилдирувчининг ёзма аризаси асосида Суғурталовчи томонидан унинг дубликати берилади.

7- БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

7.1.1. ариза-сўровномада кўрсатиб ўтилган шартлар асосида ГБУ ҳолатини текшириш;

7.1.2. Суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган маълумотларни, шунингдек Суғурта қилдирувчининг мазкур Шартнома шартлари ва талабларини бажарилишини текшириш;

7.1.3. Суғурта қилдирувчи томонидан мазкур Шартнома шартлари бажарилмаганда ёки ўрнатилган тартибда бажарилмаганда, Суғурта қилдирувчига мажбуриятини бажармаганлиги сабабларини ёзма билдирган ҳолда Суғурталовчи ўз мажбуриятларини бажаришни рад қилиш;

7.1.4. қалтислик даражасини ўзгариши муносабати билан Шартномага ўзгартиришлар киритиши ва қўшимчалар қилиши ёки қўшимча суғурта мукофотини тўлашни талаб этиш;

7.1.5. Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи мазкур Шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганда ёки ўрнатилган тартибда бажармаганда, шунингдек содир бўлган суғурта ҳодисаси юз бериши сабабларини ва оқибатларини ўрганишга тўсқинлик қилган ҳолатларда суғурта товонини тўлашни рад этиш;

7.1.6. суғурта ҳодисаси билан боғлиқ маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ёки ҳодисанинг юзага келиш шароитлари тўғрисида маълумотга эга бошқа ташкилот ва муассасалардан, Суғурта қилдирувчининг розилигисиз, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда сўраш.

7.2. Суғурталовчининг мажбурияти:

7.2.1. Шартнома ижроси бўйича Суғуртланувчига маълумотлар (маслаҳатлар) бериш;

7.2.2. Суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги тўғрисидаги Далолатномани имзолаш ва мазкур Шартнома талаблари бўйича Суғурта қилдирувчи томонидан барча керакли ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин Суғурта қилдирувчига/жабрланувчиларга ёки Наф олувчига ўз вақтида суғурта товонини тўлаш;

7.2.3. Суғурта қилдирувчига Суғурта полиси билан бирга Шартнома нусхасини бериш;

7.2.4. Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи ва уларнинг мулкий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларни истисно этган ҳолда, ошкор этмаслиги лозим.

7.3. Суғурта қилдирувчи ҳуқуқлари:

7.3.1. Ушбу Шартноманинг 3.2.1 ва 3.2.2 бандларида кўрсатилган қалтисликларнинг бирини ўз ихтиёри бўйича танлаш;

7.3.2. Суғурта полиси йўқотилганда унинг дубликатини олиш;


7.3.3. Ушбу Шартномани унинг шартларига қўра ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида бекор қилиш;

7.3.4. Суғурталовчи тўғрисидаги маълумотни олиш;

7.3.5. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталовчидан ушбу Шартнома бўйича қабул қилинган жавобгарликни қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда бажарилишини талаб қилиш.

7.4. Суғурта қилдирувчи мажбуриятлари:

7.4.1. мазкур Шартномада белгиланган тартиб ва миқдорда ўз вақтида суғурта мукофотларини тўлаш;

 GK 34	Транспорт воситасига ўрнатилган газ баллони ускунасини суғурта қилиш шартномаси	FK- 461 K8 K9 K13Uz
		Бетлар: 8 / 14 Сана: 15.07.2021й.

7.4.2. Суғурта қилдирувчи ариза-сўровномага Суғурталовчига зарур ҳужжатлар нусхаларини (унинг талабига кўра) илова этиши керак.

7.4.3. Суғурта шартномаси тузиш вақтида Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ГБУ суғуртаси билан боғлиқ қалтислик даражасини аниқлаш учун муҳим бўлган, унга маълум бўлган барча тавсилотларни маълум қилиши шарт.

7.4.4. Ушбу шартноманинг амал қилиш даврида, Суғурта шартномаси тузиш вақтида, Суғурталовчига унга маълум бўлган суғурта ҳодисаси рўй бериши эҳтимолини ва бўлиши мумкин бўлган зарарлар миқдорини аниқлашда аҳамиятга эга барча ҳолатларни ҳамда уларнинг суғурта қалтисликларини аҳамиятга эга даражада ошишига таъсир қилиши мумкин бўлган ўзгаришлар тўғрисида зудлик билан маълум қилиш;

7.4.5. 8.1. банддаги талаблар асосида Суғурталовчини содир бўлган ҳодисалар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

7.4.6. суғурталанган ГБУни эксплуатация қилиш ва хизмат кўрсатишда ўрнатилган қоидаларга амал қилиш, шунингдек уни фақат белгиланган мақсадларга фойдаланиш;

7.4.7. суғурта ҳодисасини содир бўлишини олдини олиш мақсадида ундан талаб этиладиган барча чораларни кўриш. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта ҳодисалари оқибатларини камайтириш мақсадида барча чораларни кўриши;

7.4.8. Зарарланган ГБУни ёки унинг қолдиқларини Суғурталовчига тақдим этиши ва Суғурталовчининг ёзма розилигисиз таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширмаслиги ва суғурталанган ГБУни қолдиқларини утилизация қилмаслиги;

7.4.9. Суғурталовчига суғурта ҳодисаси содир бўлишига айбдор шахсга нисбатан тўланган суғурта товонини қайтариш талаби бўйича барча ҳуқуқларни бериши лозим.

Ушбу Шартномага асосан Суғурта қилдирувчининг жавобгарлиги бир хилда Наф олувчига ҳам тадбиқ этилади, агарда у суғурта товонини олиш ҳуқуқидан фойдаланмоқчи бўлса.

7.4.10. ГБУ ўрнатилган ТВни бошқаришга рухсат этилган шахсларга мазкур Шартнома шартларини етказиши шарт. Суғурта қилдирувчи вакилларининг мазкур Шартноманинг шартларидан хабардор бўлмаслиги Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича жавобгарликни олиб бормайди.

8-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАЪВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

8.1. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг мажбуриятлари:

а) зарар кўрилганлиги маълум бўлганда суғурталанган ГБУни сақлаб қолиш ва бўлиши мумкин бўлган қўшимча зарарларни камайтириш учун дархол барча зарур чораларни кўриши;

б) тегишли ваколатли органларга зудлик билан хабар бериши;


в) Суғурталовчи ёки унинг ваколатли вакилини 3 (уч) кунидан кечиктирмасдан барча мумкин бўлган йўллар билан (телефон, факс ва бошқалар) хабардор қилиши ва 5 (беш) кунидан кечиктирмасдан воқеанинг батафсил тавсилотлари билан ўрнатилган шаклда ёзма аризани тақдим этиши;

г) Суғурталовчи вакилига зарарланган ГБУни кўриб чиқиш учун тақдим этиши, агар Суғурталовчи вакили текшириш учун бора олмаганда 5 (беш) кун муддатда ТВнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлик рақами, ГБУ, ТВ двигатели ва кузов рақамлари кўринган фотосурати ёки видео тасвирини Суғурталовчига тақдим этиши керак.

Кўрсатилган талабларни бажарилмаслиги Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисасини бўлганлигини тан олмасликка ва суғурта товонини тўлаб берилишини рад этилишига асос бўлади.

8.2. Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи Суғурталовчига суғурта товонини тўлаб бериш бўйича мурожаат қилганда қуйидаги ҳужжатларни:

- суғурта товонини тўлаб бериш бўйича аризани;
- Суғурта полисининг аслини;

 O'ZBEKINVEST <small>MILLIY SUGURTA KOMPANIYASI</small>	Транспорт воситасига ўрнатилган газ баллони ускунасини суғурта қилиш шартномаси	FK-461 K8 K9 K13Uz
GK 34		Бетлар: 9 / 14 Сана: 15.07.2021й.

- шахсни тасдиқловчи ҳужжатни.

Шунингдек,

а) ЙТХ, учинчи шахсларнинг қонунга зид ҳатти-ҳаракатлари натижасида ГБУ нобуд бўлганда (йўқотилганда) ҳамда ГБУ ёниб кетиши ва (ёки) портлаши натижасида нобуд бўлганда (йўқотилганда) қуйидаги ҳужжатларни:

- тегишли мутасадди органлар вакилининг (йўл ҳаракати ҳафвсизлиги, ЙХХБ ва ИИБ) ҳодиса иштирокчилари ва тавсилотлари кўрсатилган баённинг асли ёки тасдиқланган нусхасини (қарор ёки маълумотнома);

- баҳолаш фаолиятини олиб бориш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлган эксперт ташкилотининг ГБУни тиклаш учун зарур бўладиган эҳтиёт қисмлар ва материаллар рўйхати кўрсатилган калькуляциянинг асли ёки тасдиқланган нусхасини;

- бўлиб ўтган ҳодиса бўйича ишлар судда кўриб чиқилган тақдирда, суд қарорининг асли ёки тасдиқланган нусхасини.

- ёнғин ҳафвсизлиги мутасадди органларининг вакиллари томонидан тузилган ҳодиса иштирокчилари ва тавсилотлари кўрсатилган баённинг асли ёки тасдиқланган нусхасини (қарор ёки маълумотнома) тақдим этиши лозим.

б) табиий офатлар ёки жихозлар (предметлар)нинг тегиши натижасида ГБУ зарарланганда қуйидаги ҳужжатларни:

- ТВнинг ЙТХда қатнашмаганлиги тўғрисидаги ЙХХБнинг маълумотномасини;

- баҳолаш фаолиятини олиб бориш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлган эксперт ташкилотининг ГБУни тиклаш учун зарур бўладиган эҳтиёт қисмлар ва материаллар рўйхати кўрсатилган калкуляциянинг асли ёки тасдиқланган нусхасини;

- гидрометмаркази маълумотномасини (табиий офат бўлганда) тақдим этиши лозим.

в) учинчи шахслар ҳаёти ва соғлиғига ва (ёки) уларнинг мол-мулкига зарар етганда қуйидаги ҳужжатларни:

- суғурта полиси аслини;

- ўрнатилган талабларга ГБУнинг мос келишинини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини (мувофиқлик сертификати ва бошқалар);

- Суғурта қилдирувчининг бўлиб ўтган воқеалар бўйича олган ҳужжатлари нусхасини (учинчи шахснинг даъво аризаси, хатлар, чақириқлар ва бошқалар);

- зарур бўлганда учинчи шахснинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганда суд-тиббий экспертиза хулосаси нусхасини;

- учинчи шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар;


- баҳолаш ташкилоти томонидан етказилган зарар (учинчи шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилганда) тўғрисида тузилган ҳисоботнинг аслини ёки Суғурта қилдирувчи томонидан зарар кўрганларга ушбу Қоидаларда кўрсатиб ўтилган жавобгарлик юзага келиши билан зарарларни қоплаб бериши тўғрисидаги қонуний кучга эга эканлигини тасдиқловчи суд қарорини тақдим этиши лозим.

8.3. Суғурталовчи ҳолатдан келиб чиққан ва аниқлаштириш мақсадида қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш ҳуқуқига эга (зарарланган ГБУ фотосуръати, автотранспорт воситаси техник паспорти нусхаси, паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси, бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома, мутасадди органлар маълумотномалари ва бошқалар).

8.4. Ушбу ҳолатга таълуқли барча ҳолатларни, маълумотлар ва ҳужжатларни ўрганиб чиққан ҳолда Суғурталовчи содир бўлган ҳодисани суғурта ҳодисаси деб тан олиши ёки олмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

8.5. Агар ҳодиса содир бўлишига сабабчи фактлар бўйича жиноий иш очилган бўлса ёки суд процесси бошланган бўлса, Суғурталовчи суғурта ҳодисаси деб тан олиниши бўйича қарорини суриштирув ишлари ёки суд жараёнлари тугагунига қадар кечикитириш ҳуқуқига эга.

8.6. Суғурталовчи қуйидаги ҳолларда суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини тан олмайди ва суғурта товонини тўлаб бериш бўйича жавобгарлик олиб бормади:

 O'ZBEKINVEST <small>MILLIY SUGURTA KOMPANIYASI</small>	Транспорт воситасига ўрнатилган газ баллони ускунасини суғурта қилиш шартномаси	FK- 461 K8 K9 K13Uz
		Бетлар: 10 / 14 Сана: 15.07.2021й.
GK 34		

- а) агар ҳодисалар ушбу Суғурта шартномаси кучга киргунга қадар содир бўлса;
 б) агар ҳодисалар ушбу Суғурта шартномаси амал қилиш муддати тугаганидан сўнг содир бўлса;
 в) ушбу Суғурта шартномасида белгиланган франшиза миқдори доирасида;
 г) амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатларда.

8.7. Суғурталовчи суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарорини (рад этиш сабабларининг асослангандирилган далил-исботларни ўз ичига олган ҳолда) Суғурта қилдирувчига/Наф олувчига, улар томонидан Суғурталовчига суғурта товонини олиш учун мурожаат этилган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кечиктирмай хабар қилиниши керак;

8.8. Суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўлаб бериш рад этилганда, Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи томонидан амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида Судга шикоят қилиниши мумкин.

9-БЎЛИМ. СУЎРУТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Суғурталовчи томонидан содир бўлган ҳодиса суғурта ҳодисаси деб тан олинган тақдирда суғурта товони миқдори белгиланади ва суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатномада кўрсатилади.

9.2. Суғурта товони Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси тўғрисидаги Далолатнома имзоланганидан сўнг 5 (беш) банк куни ичида тўлаб берилади.

9.3. Ушбу Шартнома 3.2.1. ва 3.2.2. бандида кўрсатилаган суғурта ҳодисалари содир бўлганда суғурта товони қуйидаги:

9.3.1. ИТХ, учинчи шахсларнинг қонунга зид ҳатти-ҳаракатлари, ГБУнинг ёниб кетиши ва (ёки) портлаши натижасида ГБУ ёки унинг қисмлари зарарланганда - суғурта товонини баҳоловчи эксперт (баҳолаш фаолиятини олиб бориш учун тегишли рухсатномага эга бўлган) ташкилотнинг калькуляцияси ва зарарни баҳолаш ҳисоботи асосида, шартсиз франшизани чегирган ҳолда, Суғурта полисида кўрсатилган жавобгарлик лимитидан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.


9.3.2. ГБУ ўғирланиши ёки нобуд бўлганда-суғурта товони Суғурта полисида кўрсатилган жавобгарлик лимити миқдоридан шартсиз франшизани чегирган ҳолда аниқланади.

9.3.3. Учинчи шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳамда мол-мулкига зарар етказилганда - суғурта товони қуйидаги:

- учинчи шахслар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганда, уларга суғурта полисида кўрсатиб ўтилган жавобгарлик лимитининг 65 фоизи миқдорида, ва уларга етган жароҳат даражасига қараб жавобгарлик лимитидан, енгил жароҳат учун 20%, ўрта жароҳат учун 40% ва оғир жароҳат учун 70% миқдорида ёки вафот этганда 100% миқдорида тўланади. Агар бир нечта шахслар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганда, суғурта полисида кўрсатиб ўтилган жавобгарлик лимити миқдорида ҳар бир шахсга (ёки уларнинг меросхўрига) уларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар даражасига қараб мутаносиб равишда тўланади;

- **учинчи шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилганда жавобгарлик лимитининг 35 фоизи миқдорида** тўланади. Агар, бир нечта шахслар мол-мулкига зарар етказилганда суғурта полисида кўрсатиб ўтилган жавобгарлик лимитидан ҳар бир шахсга (ёки уларнинг меросхўрига) уларнинг мол-мулкига етказилган зарар даражасига қараб мутаносиб равишда тўланади.

Мажбурий ва ихтиёрий суғурта шартномаси бўйича мол-мулкка етказилган зарар учун суғурта товони тўлаш юзасидан тегишли суғурталовчининг мажбуриятлари пайдо бўлган тақдирда, биринчи навбатда мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта товони тўланади, мол-мулкка етказилган зарарнинг тўланмаган қисми ихтиёрий суғурта шартномаси бўйича қопланади. Бунда мажбурий ва ихтиёрий суғурта бўйича тўланган суғурта товонининг умумий суммаси жабрланувчининг мол-мулкига етказилган ҳақиқий зарардан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

 O'ZBEKINVEST <small>MILLIY SUGURTA KOMPANIYASI</small>	Транспорт воситасига ўрнатилган газ баллони ускунасини суғурта қилиш шартномаси	FK- 461 K8 K9 K13Uz
		Бетлар: 11 / 14 Сана: 15.07.2021й.
GK 34		

Суғурталанувчи ЙТХсида жабрланувчилар бўлганда, Суғурта қилдирувчининг ТВга етказилган зарарлар бўйича тўловлар, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси шартномаси бўйича суғурта товонини олганидан сўнг амалга оширилади ёки етказилган зарарнинг қопланмаган қисми ушбу Қоидалар асосида тузилган ихтиёрий суғурта шартномаси асосида амалга оширилади ҳамда ихтиёрий ва мажбурий суғурта шартномалари бўйича жами тўланган суғурта товони жабр кўрган шахсларнинг мол-мулкига ҳақиқатда етказилган зарар миқдоридан ошиб кетмаслиги зарур.

9.4. Агар, жавобгарлик лимити ГБУнинг суғурта қийматидан кам суммада белгиланган бўлса, унда суғурта товони жавобгарлик лимити суғурта суммасига мутаносиб равишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 936 моддаси “Тўлиқ бўлмаган мулк суғуртаси” асосида амалга оширилади.

9.5. Суғурта товони олувчига, унинг томонидан кўрсатилган банкдаги ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиб бериш орқали амалга оширилади.

9.6. Агар суғурта суммасини тиклаш учун қўшимча суғурта мукофоти тўланмаган бўлса, Суғурталовчи томонидан зарарни қоплаш учун амалга оширилган ҳар бир тўлов, Суғурталовчи мажбуриятларини (жавобгарлик лимити) мазкур бўлим бўйича тўланган тўловлар миқдorigа камайтиради.

10-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ТЎХТАТИШ

10.1. Ушбу Шартнома муддатидан аввал томонлардан бирининг ёзма аризасига биноан мўлжалланган санадан камида 30 (ўттиз) календар кун олдин хабар бериш шarti билан бекор қилиниши мумкин, Шартноманинг бекор қилиниши учинчи томоннинг манфаатларига алоқадор бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

10.2. Суғурталовчи томонидан ўз мажбуриятларининг бузилишини асослаб Суғурта қилдирувчи ушбу Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида талаб қилганда суғурта мукофоти тўлиғича қайтарилади. Акс ҳолда суғурта мукофоти суғуртанинг ўтган даври учун Суғурталовчи томонидан сарфланган харажатлар ҳисобланиб қайтарилади.

10.3. Суғурта қилдирувчи томонидан ўз мажбуриятларининг бузилишини асослаб Суғурталовчи ушбу Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида талаб қилганда суғурта мукофоти қайтарилмайди.

10.4. Ушбу Шартнома қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:


- а) амал қилиш муддати тугаганда;
- б) Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчи олдидаги мажбуриятлари тўлиқ ҳажмда бажарилганда;
- в) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

11-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Ушбу шартнома бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида жавобгарлик олиб борадилар.

11.2. Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўлашни ўз вақтида амалга оширмаган тақдирда Суғурталовчига тўланмаган суғурта мукофотининг (тўловининг) ҳар бир куни учун муддатида тўланмаган пулнинг 0,2% миқдоридан, лекин ушбу Шартномага кўра тўланиши керак бўлган сумманинг 50% дан ошмаган миқдорда жарима тўлайди. Пеня тўланиши Суғурта қилдирувчининг суғурта мукофотини тўлаш мажбуриятидан озод этмайди.

11.3. Суғурталовчи тўланиши лозим бўлган суғурта товонини тўлаш муддатини ўтказиб юборгани учун тўлаш муддати ўтиб кетган ҳар бир куни учун муддатида тўланмаган пулнинг 0,2% миқдоридан, лекин ушбу Шартномага кўра тўланиши керак бўлган сумманинг 50% дан ошмаган миқдорда жарима тўлайди.

 O'ZBEKINVEST <small>MILLIY SUGURTA KOMPANIYASI</small>	Транспорт воситасига ўрнатилган газ баллони ускунасини суғурта қилиш шартномаси	FK- 461 K8 K9 K13Uz
		Бетлар: 12 / 14 Сана: 15.07.2021й.
GK 34		

11.4. Ушбу Шартномада келишилган мажбуриятларни бажаришдан асоссиз равишда батамом ёки қисман бош тортганлиги учун ўз мажбуриятларини бузган томон бошқа томонга тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15% миқдорида жарима тўлайди.

12- БЎЛИМ. СУБРОГАЦИЯ

12.1. Суғурта қопламасини тўлаган Суғурталовчига, у томонидан тўланган суғурта суммаси миқдорида Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи зарар келтирган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳукуқи ўтади.

12.2. Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи суғурта товонини олаётганда Суғурталовчига барча зарур ҳужжатларни бериши ва Суғурталовчи суғурта ходисаси рўй беришига айбдор бўлган шахсга нисбатан қайта талабни (регресс) қўйиш ҳукуқига эга.

12.3. Агарда Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи Суғурталовчи томонидан қоплама тўланган зарар бўйича масъул шахсга талаб қилиш ҳукуқидан воз кечса ёки ушбу талабни амалга ошириш Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи айби билан мумкин бўлмай қолганда, Суғурталовчи суғурта товонини тўлиқ ёки қисман тўлашдан озод этилади ва ортиқча тўланган суғурта товони тўловини қайтарилишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

13- БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Агар, ушбу Шартнома тузилганидан кейин Суғурта қилдирувчининг Суғурталовчига олдиндан аён бўлган, суғурта ходисаси рўй бериши эҳтимолини аниқлаш имконини берадиган ҳолатлар бўйича ёлгон маълумот берганлиги аниқланганда, Суғурталовчи ушбу шартномани бекор қилинган деб топиши ва амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чораларни қўллаш ҳукуқига эга.

13.2. Ушбу Шартнома шартлари Умумий суғурталаш соҳасининг 8, 9, 13 класслари бўйича суғурта шартномалари намуна шакли асосида ишлаб чиқилган.

13.3. Ушбу Шартномага киритиладиган ҳамма қўшимчалар ва ўзгартиришлар, шунингдек унинг муддатини узайтирилиши ҳамда тўхтатилиши томонларнинг розилиги билан ёзма равишда амалга оширилиши шарт.

13.4. Томонларнинг ушбу Шартномада баён этилмаган ўзаро муносабатлари ушбу Шартнома тузилишига асос бўлган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.


14- БЎЛИМ. БАҲСЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

14.1. Мазкур шартнома матнида ҳал қилинмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган барча низо ва келишмовчиликлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

14.2. Келишмовчиликлар ва низоларни музокара йўли билан ҳал этишга эришилмаган тақдирда, низолар ЎзР ИПКнинг 38-моддасига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки ЎзР ФПКнинг 36-моддасига мувофиқ Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судида ҳал қилинади.

14.3. Агар томонларнинг ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажара олмасликларига енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) сабаб бўлса, томонлар жавобгарликдан озод бўладилар. Енгиб бўлмайдиган куч таъсирида бўлган томон бошқа томонни ана шундай ҳолат юзага келгани ва унинг таъсири қанча давом этиши мумкинлиги ҳақида зудлик билан хабардор қилиши шарт.

15-БЎЛИМ. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАР ВА РЕКВИЗИТЛАР

 O'ZBEKINVEST <small>MILLIY SUGURTA KOMPANIYASI</small>	Транспорт воситасига ўрнатилган газ баллони ускунасини суғурта қилиш шартномаси	FK- 461 K8 K9 K13Uz
		Бетлар: 13 / 14 Сана: 15.07.2021й.
GK 34		

Суғурталовчи: “Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ _____ филиали Манзил: _____ тел: _____, факс: _____ х/р _____ Банк коди: _____, СТИР: _____, ИФУТ: _____	Суғурта қилдирувчи: _____ _____ Манзил: _____ тел: _____, факс: _____ х/р _____ Банк коди: _____, СТИР: _____, ИФУТ: _____
--	--


ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

Директор

Директор

м.ў.

м.ў.

 O'ZBEKINVEST <small>MILLIY SUGURTA KOMPAANIYASI</small>	Транспорт воситасига ўрнатилган газ баллони ускунасини суғурта қилиш шартномаси	FK- 461 K8 K9 K13Uz
		Бетлар: 14 / 14 Сана: 15.07.2021й.
GK 34		

ҲУЖЖАТ ТАФТИШ ҚИЛИНГАНЛИГИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Т/р	Киритилган сана	Узайтириш/ Қайта кўриб чиқиш/ Бекор қилиш	Маълумотни киритган шахснинг лавозими	Имзо	Ф.И.О.

Киритилди:

Суғурта услубиёти, суғуртада инновацион фаолиятни ва хизматларни ривожлантириш департаменти бош менежери

Н.Исмагуллаев

Келишилди:

Бош директор ўринбосари

А.Асатуллаев

Суғурта даъволарини кўриб чиқиш департаменти бош менежери

О.Муродов

Стратегик ривожлантириш ва сифатни бошқариш департаменти бош менежери

А.Абдуллаев

Юридик департамент бошлиғи

Р.Каршибаев